

Ҳокимлик соати: Ҳафта аввалида топшириқлар ижроси ва келгусидаги вазифалар муҳокама қилинди



Бугун Термиз тумани ҳокими Шухрат Назаров раҳбарлигига қатор масалалар юзасидан “Ҳокимлик соати” муҳокама йиғилиши ўтказилди. Унда сектор раҳбарлари, туман ҳокимининг тармоқлар бўйича ўринбосарлари, ташкилот, корхона ва идоралар раҳбарлари иштирок этишди.

Кун тартибида ижро интизоми, қурилиш соҳасида олиб борилаётган ишлар, мактабларнинг янги ўқув йилига тайёрлаш, маҳаллалар инфратузилмасини яхшилаш бўйича берилган топшириқлар ижроси ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Масъулларга йўл қўйилган камчиликлар, айрим топшириқлар ижросидаги сусткашликлар кўрсатиб ўтилди. Мутасаддиларга камчиликларни бартараф этиш, тадбирларни жадаллаштириш, топшириқларни муддатида ва сифатли бажариш вазифалари топширилди.